

ISSN: 2450-8160

# Herald pedagogiki. Nauka i Praktyka

wydanie specjalne



Warszawa  
2021

## Editorial Team

---

**Editor-in-chief:** *Gontarenko N.*

---

### EDITORIAL COLLEGE:

---

**W. Okulicz-Kozaryn**, *dr. hab, MBA, Institute of Law, Administration and Economics of Pedagogical University of Cracow, Poland;*

**L. Nechaeva**, *PhD, PNPUI Institute K.D. Ushinskogo, Ukraine.*

**K. Fedorova**, *PhD in Political Science, International political scientist, Ukraine.*

## ARCHIVING

*Sciendo archives the contents of this journal in [ejournals.id](http://ejournals.id) - digital long-term preservation service of scholarly books, journals and collections.*

## PLAGIARISM POLICY

*The editorial board is participating in a growing community of [Similarity Check System's](#) users in order to ensure that the content published is original and trustworthy. Similarity Check is a medium that allows for comprehensive manuscripts screening, aimed to eliminate plagiarism and provide a high standard and quality peer-review process.*

## About the Journal

Herald pedagogiki. Nauka i Praktyka (HP) publishes outstanding educational research from a wide range of conceptual, theoretical, and empirical traditions. Diverse perspectives, critiques, and theories related to pedagogy – broadly conceptualized as intentional and political teaching and learning across many spaces, disciplines, and discourses – are welcome, from authors seeking a critical, international audience for their work. All manuscripts of sufficient complexity and rigor will be given full review. In particular, HP seeks to publish scholarship that is critical of oppressive systems and the ways in which traditional and/or “commonsensical” pedagogical practices function to reproduce oppressive conditions and outcomes. Scholarship focused on macro, micro and meso level educational phenomena are welcome. JoP encourages authors to analyse and create alternative spaces within which such phenomena impact on and influence pedagogical practice in many different ways, from classrooms to forms of public pedagogy, and the myriad spaces in between. Manuscripts should be written for a broad, diverse, international audience of either researchers and/or practitioners. Accepted manuscripts will be available free to the public through HPs open-access policies, as well as we planed to index our journal in Elsevier's Scopus indexing service, ERIC, and others.

HP publishes two issues per year, including Themed Issues. To propose a Special Themed Issue, please contact the Lead Editor Dr. Gontarenko N ([info@ejournals.id](mailto:info@ejournals.id)). All submissions deemed of sufficient quality by the Executive Editors are reviewed using a double-blind peer-review process. Scholars interested in serving as reviewers are encouraged to contact the Executive Editors with a list of areas in which they are qualified to review manuscripts.

## ЎЗБЕКИСТОНДА МАФКУРАВИЙ ТАРҒИБОТНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАНИНГ АҲАМИЯТИ

Хазратқулов Матлаб

Ўзбекистон Миллий университети тадқиқотчиси  
(Ўзбекистон)

## РОЛЬ ЗАРУБЕЖНОГО ОПЫТА В РЕАЛИЗАЦИИ ИДЕОЛОГИЧЕСКОЙ ПРОПАГАНДЫ В УЗБЕКИСТАНЕ

Хазратқулов Матлаб

Исследователь Национального университета Узбекистана  
(Узбекистан)

*Аннотация.* Мазкур мақолада Ўзбекистонда мафкуравий тарғиботни амалга оширишда хорижий тажрибанинг аҳамияти ёритиб берилган. Шунингдек, Ўзбекистонда мафкуравий тарғиботда замонавий усул ва воситалардан фойдаланиш самарали эканлиги очиб берилган.

*Калит сўзлар:* мафкура, мафкуравий таҳдид, маънавият, маърифат, тарбия, технологиялар, PR технологиялар, мафкуравий иммунитет, демократия.

*Аннотация.* В данной статье подчеркивается важность зарубежного опыта в реализации идеологической пропаганды в Узбекистане. Также было выявлено, что использование современных методов и средств идеологической пропаганды в Узбекистане является эффективным.

*Ключевые слова:* идеология, идеологическая угроза, духовность, просвещение, образование, технологии, PR-технологии, идеологический иммунитет, демократия.

*Abstract.* This article emphasizes the importance of foreign experience in the implementation of ideological propaganda in Uzbekistan. It was also revealed that the use of modern methods and means of ideological propaganda in Uzbekistan is effective.

*Keywords:* ideology, ideological threat, spirituality, enlightenment, education, technology, PR-technologies, ideological immunity, democracy.

Бугунги дунё муайян яхлитликни ташкил этсада, ундаги минтақа ва мамлакатлар миллат, элат ҳамда халқлар ўз турмуш даражасига кўра турли мавқега эга. Ҳозирги кунда жаҳонда ғоявий қарама-қаршиликлар мураккаб тус олган, мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кучлироқ бўлаётган даврдир. Шундай экан, ёшларнинг маънавий оламида бўшлиққа йўл қўйиш, уларнинг бузғунчи ғоялар, диний экстремизм, ахлоқсизлик, "оммавий маданият" таъсирига тушиб қолишига олиб келади. Бугунги глобаллашув даврида "оммавий маданият" ниқоби остида зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва

қадриятларига беписандлик билан қараш, аҳолининг, биринчи навбатда, ёшларнинг қалби ва онгини эгаллашга қаратилган таҳдидлар кўлами тобора кенгайиб бораётгани ҳар биримизни ташвишга солмай қўймайди. Шу боис ҳам, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти "Юксак маънавият - енгилмас куч" асарида: "Маънавий таҳдид деганда, аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружларни назарда тутиш лозим"[1], деб беъжиз таъкидламаган.

Мафкуравий хуружлар бирор давлат, миллат ва жамиятнинг барқарорлигига қарши қаратилган бўлиб, конституциявий тузумнинг заифлаштиришни мақсад қилиб, энг аввало, инсоннинг руҳий дунёсига тажовуз қилади. Мафкуравий хуружларнинг буюртмачилари ғаразли мақсадларига эришиш учун ҳар қандай усуллардан фойдаланишади. Бунда инсоннинг руҳига таъсир кўрсатадиган замонавий усуллар: жозибали ғоялар, турли ниқоблар, урф бўлган саънат асарлари, ОАВ, айниқса интернетдан усталик билан фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Мафкуравий хуружларнинг усуллари турлича бўлгани билан улардан кўзланган мақсадлар аниқ.

Мафкуравий таҳдидлар қуйидагиларда намоён бўлмоқда:

ҳар бир давлат, миллат учун хос бўлган тараққиёт стратегиялари ва режаларига шубҳа уйғотиш;

жамиятда, айниқса, ёшларда миллий қадрият туйғуларини зайифлаштириш, уларга ҳаёлий, виртуал фароғат, ҳузурни ваъда қилиш;

миллий урф-одатларга ёт бўлган ҳаёт тарзини зўр бериб тиқиштириш;

худбинлик ва шахсиятпарастликни турли жозибали усуллар билан тарғиб қилиш ва ҳоказолар[2].

Ўзбекистонда маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда замонавий тарғибот технологияларидан фойдаланиш тизимидаги давлатнинг мавжуд ҳолатни таҳлил қилиш учун бу борада амалга оширилаётган ишлар қуйидаги учта гуруҳга ажратиб таҳлил қилиш мумкин:

1. Маънавий-маърифий ишлар тизимининг меъёрий-ҳуқуқий таъминоти;

2. Маънавий-маърифий ишларни амалга оширишнинг ташкилий механизми;

3. Маънавий-маърифий ишларни амалга оширишнинг технологик таъминоти.

Маънавий-маърифий ишлар тизимининг меъёрий-ҳуқуқий таъминоти.

Мавжуд маълумотлар таҳлили Республикамызда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган жами 8 та қонуности ҳужжатлари қабул қилинганлигини кўрсатмоқда.

Хорижий давлатларда мафкуравий тарғибот ишларини амалга ошириш қуйидаги тамойиллар орқали амалга оширилади:

- мафкуравий тарғиботни замонавий технологиялар орқали амалга ошириб қамровини кенгайтириш;

- стереотипларга асосланиш;

- такрорийлик;
- манзиллилик;
- кенг қамровлилик
- комплекслилик.

Мафкуравий тарғибот ишларини амалга оширишнинг бош тамойили тарғиботнинг ҳақиқатга асосланиш тамойили ётади. Етақчи хорижий мутахассислар фикрича, тарғиботга ёлгон асосланиш унинг имкониятларини, самарасини йўққа чиқаради[3].

Мафкуравий тарғиботни шакллантиришдаги асосий мезон бу гоё қаратилган объектлар учун умумий бўлган жиҳатни топиш ёки шакллантиришдир.

Бугунги кунда мафкуравий тарғибот ишларини амалга оширишда миллий сайтларни ривожлантириш ва уларда тарғибот технологияларини қўллаш бўйича хорижий давлатларда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада ривожланган давлатларнинг янги тарғибот технологиялари соҳасидаги ютуқларини ҳисобга олган ҳолда хориж тажрибасини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Мафкуравий ишларини амалга оширишда тарғибот технологияларини қўллаш бўйича Хитой Халқ Республикаси тажрибаси. Хитойда маънавий ишларни тарғиб қилиш йўналишида Интернет технологияларини қўллаш устувор ҳисобланади. Ҳукумат ёшларни маънавий ҳимоялаш мақсадида интернет орқали ўзининг миллий сайтларини ривожлантиришга катта эътибор бермоқда. ХХР Давлат Кенгашининг Ахборот агентлиги қошида тузилган махсус Интернет даги маънавий ташвиқот бўйича Маъмурий муассаса мамлакат миқёсида фаолият кўрсатиб келмоқда. У тармоқдаги давлат ташвиқотини йўналтиради ва мувофиқлаштиради. Шунингдек, бир неча йил муқаддам Хитойда интернетнинг ривожланиши йўлидаги асосий муаммолар сифатида мамлакатда яратилган сайтларнинг етишмаслиги ва хитой тилидаги контентнинг камлиги ҳисобланар эди. Мамлакатда мавжуд бўлган кўпчилик босма ва электрон нашрлар интернетда ўз сайтларига эга бўлишмаган ва кенг оммага тақдим этилмаган. Ўтган ўн йилликнинг бошларида, ХХР Давлат кенгаши, Интернет - муайян сиёсий ва ижтимоий дастурларни амалга ошириш йўлидаги қулай механизм, эканлигини тушуниб етганидан кейин вазият ўзгара бошлади. Шундан сўнг, Хитойда ушбу соҳани ривожлантириш учун инвестициялар кириб кела бошлади.

Биринчи босқичда, ҳукумат энг йирик ахборот агентликларининг Интернет сайтларини яратишни рағбатлантириб, уларда миллийлик ва маънавий қадриятларни эшиттириш ва тарқатиш тармоғини кенгайтди.

Иккинчи босқичда, "Синьхуа" давлат ахборот агентлиги хорижий корреспондент пунктларининг миқдори 186 тагача оширилиб, унинг сунъий йўлдош ҳамда Интернет даги фаолият кўрсатиш кўлами кенгайтирилди. Турли мамлакат ва минтақа аҳолисининг Хитой орқали "биринчи қўл"дан ахборот олишига имконият яратиш учун Интернет тармоғида хорижий тиллардаги Хитой ОАВни ишга туширишга ҳам катта эътибор қаратилди. "Биринчи қўл" даги ахборотга миллийлик, Хитой халқига хос бўлган анъаналар ва Хитой мафкураси сингдирилди.

Шунингдек, хитойликлар махсус "Anti-CNN.com" сайтини яратади. Хитойликлар блоггерларнинг фаол позицияси туфайли айрим Фарбнинг ОАВларидан, жумладан, Германиянинг "RTL" ва "N-TV" телеканаллари, шу жумладан, АҚШнинг "Washington Post" газеталаридан узрномаларни олишга муваффақ бўлди. Шундай қилиб, замонавий Хитой ташқи сиёсий фаолиятида ҳам маънавий ташвиқотни амалга оширишда Пекин ташаббусни ўз қўлига олишга, хорижий давлатларнинг қарашларига жавоб бериш эмас, балки олдиндан ҳаракат қилишга, ҳаттоки ҳужум қилиш йўлидаги ҳаракатларга интилиши намоён бўла бошлади[4].

Хитойда Мафкуравий тарғибот ва миллий онгнинг шакллантиришнинг тарихий усулидан самарали фойдаланилди. Бунда Конфуций таълимот асосий ўринни эгаллаган. Хитойнинг ютуғи Конфуций меросида асосий урғуни дин сифатида эмас балки таълимот сифатида берилганидир. Бу мамлакатда таълимотга нисбатан мутаассиб кайфиятнинг шаклланишини олдини олди ва ўз навбатида замонавий Хитой қарашларини мослаштирди. Хитойнинг тарбиясида қаттиқўллик ва қатъий тартиб интизом устувор ҳисобланади.

Айтиш жоизки, Хитойда мафкуравий ишларни тарғибот қилувчи марказ томонидан блогларни юритиш ва ижтимоий тармоқларда иштирок этиш жуда кенг тарқалган. Шу сабабли, блогларнинг аксарият қисми айнан хитой тилида, Хитой ғоялари асосида ёзилади. Хитойда ёшлар сайтларини ривожлантириш мақсадида Facebook, Twitter, Live journal ва бошқа хорижий ижтимоий тармоқларга нисбатан тўсиқ қўйилган, шу сабабли, блоглар юритиладиган асосий ресурс бўлиб, Хитойда машҳурлиги бўйича учинчи ўринда турадиган "Sina Weibo" ҳисобланади.

Бугунги кунда сайтни ривожлантириш мақсадида Facebook фойдаланувчиларга бир қатор имкониятларни яратмоқда.

Жумладан, 2016 йил 26 февралдан Facebook фойдаланувчиларига мустақил равишда ўз рекламасини яратиш имкониятини берди. Мобил қурилмалар учун жорий қилинаётган янги Canvas интерактив реклама формати матн, слайд-шоу, фото ва видео ёрдамида ижтимоий тармоқда муайян маҳсулотни реклама қилиш мақсадида ишга туширилмоқда.

Умуман олганда, Хитойда ҳар бир яратилган ахборот турида, санъат маҳсулотлари (кино, мультфильм, тасвирий санъат, адабиёт) да маънавий қадриятлар, Хитой мафкураси тарғиб қилинади.

Мафкуравий ишларини амалга оширишда тарғибот технологияларини қўллаш бўйича Америка Қўшма Штатлари тажрибаси.

АҚШда барча учун умумий бўлган ҳаракатга келтирувчи куч сифатида "Америка орзуси" ғояси асосий ўринни эгаллаган. АҚШда "Мафкуравий тарғибот" нинг асосини моддий фаровонлик эгаллайди ва асосий урғу капиталга берилади. Миллат, элат, дин омиллари танламайди. АҚШ ғоясини сингдиришда барча замонавий PR технологиялардан самарали фойдаланади. PR технологияларнинг даврийлигига кўра 1) бир маротабалик (акциялар тарзида); 2) доимий; 3) серияли турларидан фойдаланилади. АҚШ ғоясининг тарғиб қилинишида PR технология эса қолувчи

(бу хусусиятда асосий восита "хотирага хужум" усули ҳисобланиб ранг, сўзлар ва тасвирлар орқали таъсир ўтказилади), тушунтирувчи, ўзига жалб қилувчи хусусиятлари кенг қўлланилади. АҚШ маҳсулотлари хашамат ва замонавийлик рамзи сифатида реклама қилиниши натижасида ўзининг гоёларини сингдириб боради. Таҳлиллар ва кузатувлар асосида Hollywood томонидан ишлаб чиқарилган деярли барча медиа маҳсулотлар (кино, мультфильм, видеоролик ва ҳоказолар) да АҚШ сиёсати тарғиб қилинади, уларнинг барчасида АҚШ байроғи ва унга тенглаштирилган рамзлар кетма-кетлиги намойиш этилади. АҚШда миллий гоё PR технологияларининг қўлланилиши орқали тарғиб қилиниши қуйидаги натижаларни беради:

- жамият фикрини таҳлил қилиш;
- ҳозирги ҳолатни аниқлаш;
- жамият фикрини расмий етакчиларга етказиш[5].

Бугунги кунда АҚШ мамлакат ичкарасида ўз ёшларига нисбатан маънавий тарғиботни, халқаро майдонда "Америка гоёси"нинг самарали тарғибот фаолиятини олиб бормоқда. 2011 йилда Оқ уй маъмурияти янги ҳужжатни - Кибермакон учун давлат халқаро стратегиясини эълон қилди. Ҳужжат кибертехнологиялардан самарали фойдаланган ҳолда Америкага ҳайрихоҳ медиа муҳитини яратишни кўзда тутди. Бир қатор мутахассислар буни Қўшма штатлар томонидан глобал миқёсда одамларнинг онгига таъсир кўрсатишга уриниш сифатида ҳам баҳолашмоқда. Расмий Вашингтон ўз сиёсий манфаатларини ҳимоя қилишда ҳужумкор, яъни ҳимояланиш механизмини такомиллаштиришдан кўра, кўпроқ янги стратегиялар ишлаб чиқиб бошқа давлатларга Интернет - технологиялар орқали таъсир кўрсатиш ва бунинг оқибатида Интернет тармоғида ўз устунлигини сақлаб қолишга ҳаракат қилмоқда.

АҚШда инетрнетда маънавий технологияларини тартибга солишда бошқа давлатлардагидан фарқли томони у йиллар давомида табиий равишда шаклланиб келди. Интернетни ташкилий тартибга солиш ваколатли орган Федерал алоқа комиссияси (FCC) томонидан амалга оширилади. Бу орган Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги каби бутун ахборот коммуникация соҳасини тартибга солади. Шу билан бирга маънавий тарғибот билан шуғулланувчи ташкилотлар билан фаол ҳамкорлик қилади. Натижада АҚШ ахборот муҳитида "америка ҳаёти" тарғиботи сезилиб туради. Шунингдек болалар билан маънавий ишларни олиб боришда кино ва мультфильм, болалар қўшиқлари орқали аудио ва видео технологияларни кенг қўллайди.

Мафкуравий ишларини амалга оширишда тарғибот технологияларини қўллаш бўйича Европа Иттифоқи давлатлари тажрибаси. Хусусан Франция тажрибасига кўра, мамлакатнинг Мафкуравий тарғиботини шакллантирда умумэътироф этилган қонун қоидалар концепцияси танлаб олинган. Халқни мамлакат мақсадлари учун сафарбар қилишда дунё эътироф этган ва халқаро ҳуқуқда қўлланиладиган нормалар миллий мақсадларга уйғунлаштирилган ва натижада барча учун бирдек



таъсир кучига айланган. Зарарли жиҳати - ҳозирги кунда Францияда барча нарса инсон ва унинг манфаатлари деган ғоянинг мутаассиблашуви натижасида бир жинсли никоҳ в ҳоказо иллатларнинг авж олишига олиб келди[6].

Германияда эса мафкуравий тарғибот сингдирилишининг узвийлик тизимидан самарали фойдаланилади. Узвийлик тизимига кўра инсон туғилганидан токи меҳнат фаолиятини яқунлағунгача бўлган даврда немис характери сингдириб борилади. Боғчада болаларга ҳос хусусиятлардан келиб чиқадиган бўлса, меҳнат жамоларида иш самарадорлиги ва ватанпарварлик тамойиллари орқали амалга оширилади. Немис ОАВ барчаси Мафкуравий тарғиботнинг тарғиботчиси ҳисобланади. Немис оилалари ҳозирги вақтгача ижтимоий ҳаётда асосий ўринни эгаллайди. Оила қуриш истагининг пасайиб бориши ва оила қуриш ёшининг кўтарилиши бу асосан жамиятдаги иқтисодий факторлар билан боғлиқ. Немис оилаларида ижарага берилаётган уйларнинг барчасида болалар хонаси бўлиши мажбурий ҳисобланади ва ижарачилар томонидан қўйиладиган биринчи талаб ҳам шундан иборат бўлади. Немис оилаларида кун тартиби қатъий белгиланган, яъни бола 8 ёшгача ТВ кўриши мумкин эмас (баъзи оилаларда кунига 20-30 дақиқа болалар учун мўлжалланган дастурларни томоша қилишга рухсат берилади). Унинг ўрнига болалар расм чизиш ва мусиқа машғулоти билан банд бўлади. Кечки уйқу пайти қатъий 20:00 қилиб белгиланган. Ота-оналар ҳафтада камида бир маротаба фарзандлари билан ҳиёбонга ва жамоат дам олиш жоларига бориши одатий тусга айлантирилган. Германияда фарзандга унинг ота-онасидан бошқа шахс танбеҳ бериши мумкин эмас.

Мафкуравий ишларини амалга оширишда тарғибот технологияларини қўллаш бўйича Япония тажрибаси. Япония тажрибасида мафкуравий тарғибот мамлакат иқтисодиётининг таянчи сифатида асосий ўринни эгаллайди. Япония ОАВлари Миллий ғоя - миллий иқтисод - миллий тараққиёт бош шиори асосида фаолият кўрсатади ва шу асосида ҳар бир ахборот тарғиботга йўналтирилади. Япония Мафкуравий тарғиботни сингдириш усуллари сифатида қадриятлар тизимидан фойдаланди. Қадриятлар тизимини ҳаракатга келтиришдан аввал японлар айнан нималарни қадрлаши ва қадрият сифатида эътироф этиши ўрганилди. Шундан келиб чиққан ҳолда асосий урғу айнан шу қадриятларга қаратилди. Японияда тарих - синтоизм - конфуцийлик - самурайлик иродаси тизими устувор ҳисобланади. Ягона ҳудуд - ягона халқ концепциянинг таълим ва бошқа тизимларда кенг қўлланилиши натижасида японларнинг миллий тараққиёти вужудга келди. Японияда тарихий қахрамонлар, афсоналарнинг миллатга кенг кўламда танитилиши японларнинг ички руҳиятини Япония учун сафарбар қилиш механизмига айланди ва ҳукумат исталган пайтда бу механизмни ҳаракатга келтира оладиган даражага етказди. Японияда "Халқ, Ватан, Тақдир" тушунчалари уйғунлаштирилди. Япон мактабларида "япон хулқ атвор" дарслиги алоҳида фан сифатида ўрнатилади.

Мафкуравий ишларини амалга оширишда тарғибот технологияларини қўллаш бўйича Россия Федерацияси тажрибаси.

Россияда мафкуравий ишлар негизиди маданий-маърифий ишлар тарғиб қилинади. ушбу тарғиботнинг ўзига хос томони шундаки, маданий-маърифий ишларни тарғибот қилувчи давлат ва нодавлат муассасалар ўртасида ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган. Ҳамкорлик асосида маданий-маърифий гояларга йўғрилган рус халқига хос бўлган маданият ва ўзига хосликни тарғиб қилишда ўқув фильмларини яратиш соҳасида катта ютуқларга эришилганлигини кўрсатиб ўтиш мумкин[7].

РФда маданий-маърифий ишларни тарғиб қилишда Федерациянинг "Ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиялаш Концепцияси"[8] ҳам ишлаб чиқилган бўлиб, концепция муаллифлари томонидан ушбу концепцияни ёшларнинг манфаатлари инобатга олган ҳолда уларни амалга оширишдаги давлатнинг вазифалари асосида тарғиботнинг концептуал асоси ёритилганлиги таъкидланган.

Маънавий-ахлоқий таълим-тарбия жараёнида узвийликнинг барча асосий элементларини яхлит бирликка, тизимга бирлаштириш, дидактиканинг бошқа тамойиллари билан ўзаро алоқадорлигини таъминлаш, ўқитиш усул ва шакллари мақсадли танлаш, билимлар умумлашмасини таркиб топтириш асосий вазифалардан ҳисобланади.

РФда маданий-маърифий ишларни тарғиб қилишда замонавий усуллар ҳисобланган масофадан маънавий тарғибот объектига таъсир кўрсатишда ОАВлари шунингдек, Интэрнет орқали маънавий-ахлоқий таълим-тарбияда ёшлар учун ўқитишнинг узвийлигини таъминлашда дидактиканинг умумий тамойиллари асос қилиб олинган.

Бугунги глобаллашув даврида замонавий алоқа ва коммуникация воситаларининг яратилиши дунёда ахборот жараёнларининг кескин тезлашувига замин яратди. Илмий кашфиётлар натижасида, универсал технологияларга асосланган тарғибот олиб бориш, шу билан биргаликда, инсонга маънавий таъсир кўрсатиш имкониятлари ҳам кенгайиб бормоқда. Бунинг натижасида турли сиёсий кучлар томонидан ўз манфаатларини амалга ошириш мақсадида маънавий таҳдидларни амалга оширишга қаратилган уринишлар содир этилмоқда.

Мазкур жараёнда фуқароларни юзага келаётган таҳдидларнинг мақсади ва моҳияти тўғрисида хабардор этиш, уларнинг қалби ва онгида мустаҳкам иммунитетни ҳосил қилишда мафкуравий тарғибот ишларини самарали олиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабдан, мафкуравий ишларни амалга оширишда фойдаланилаётган технологиялар ўрганиш, замонавий усул ва воситаларни қўллашда юзага келаётган муаммо ва омилларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш талаб этилади.

Мафкуравий ишларда замонавий тарғибот технологиялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш қуйидаги йўналишларда олиб борилади:

таълим жараёнида замонавий педагогик технологиялар орқали мафкуравий тарғибот олиб бориш йўналиши;

ОАВ ларида масофавий тарғибот технологиялари асосида мафкуравий тарғибот олиб бориш йўналиши;

санъат ва маданият орқали мафкуравий тарғибот олиб бориш йўналиши.

Таълим жараёнида замонавий педагогик технологиялар орқали мафкуравий тарғибот олиб бориш йўналиши. Шахсдаги маънавий-психологик сифатлар (деструктив ғояларга қарши ахборот маданияти шаклланиши, ахборот-психологик иммунитетнинг шаклланиши) нинг шаклланиши айнан таълим муҳитида рўй беради. Шунингдек, ушбу сифатлар шахснинг маънавий салоҳиятини ҳам белгилаб беради. Мафкуравий тарғиботдан мақсад ҳам шахснинг маънавий салоҳиятини оширишдир. Шундан келиб чиқиб таълимни шахснинг маънавий салоҳиятини шакллантирувчи алоҳида йўналиш эканлиги унда мафкуравий тарғиботнинг замонавий элементлари қўлланса унинг самарадорлигини янада оширади.

**Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. - Т., 2010. 13-14-б.
2. Саифназаров И. Мафкуравий хуружлар нима? - Т., 2015. 8-б.
3. Johnson D. The techniques of propaganda Dubuque, IA: Brown|Benchmark. 2008. - P. 15.
4. Евдокимов Е. Политика Китая в глобальном информационном пространстве. Международные процессы. 2011, январь-апрель. Т. 9, № 1 (25). . URL://http://www.intertrends.ru/twenty-fifth/009.htm.
5. Уткин В. Особенности воспитательной работы в ВС США, Великобритании и Франции // Журнал. Зарубежное военное обозрение. - 2001, № 11. - С. 79.
6. Уткин В. Особенности воспитательной работы в ВС США, Великобритании и Франции // Журнал. Зарубежное военное обозрение. - 2001, № 11. - С. 79.
7. Алтынбаев А.А. Научно-педагогические основы управления системой военно-патриотического воспитания школьников: Дис. . д-ра пед. наук. - Алма-ата: АГПУ. 2000.
8. Государственная программа "Патриотическое воспитание граждан Российской Федерации на 2011-2015 годы" : Утверждена Постановлением Правительства РФ от 5 октября 2010 г. № 795 // Собрание законодательства Российской Федерации. № 41, 11 октября 2011 года (Част 2).